билан шуғулланадиган турли мутахассислар фикрларини, иккинчи томонидан ҳамшираларнинг касбий фаолият шаклларини ўрганиш талаб қилинади. Шунингдек, ҳамшираларнинг саломатлик кўрсаткичларини ва иш шароитини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [1,8,17].

Ҳамширалар фаолияти “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирманг” шиори остида ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун глобал сай -ҳаракатларнинг муваффақияти сифатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳар қандай глобал муаммоларни ҳамширалар салоҳиятини ва уларнинг ролини максимал даражага кўтармасдан ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун ҳамшираларни юқори натижаларга эришишида уларга шароитлар яратиш сиёсатини олиб бориш, ҳамшира маъулияти доирасини оптималлаштириш, вазифалар аҳамиятини ошириш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун сарфланадиган ресурслар миқдорини ошириш, тегишли иш ўринларини яратишни талаб этади [8,18].

Ўрта тиббиёт ходимларининг соғлиқни сақлаш тизимида нафақат жисмоний соғлиқни сақлашда балки руҳий саломатликни мустаҳкамлаш, юқумли бўлмаган касалликларни назорат қилиш, фавқулотда вазиятларга тайёрлик ва жавоб чораларини кўриш, беморларнинг хавфсизлиги ва комплекс эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган глобал масалаларда ҳиссаси катта.

Бугунги кунда ҳамширалар сони ортиб бориши билан бирга, лавозим мажбуриятлари ва вазифалари доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Шунингдек, жaxon тажрибаси шуни кўрсатдики, хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини оширишда ҳамширалик ишидаги ислохотлар ҳам ўз ўрнига эгадир [8,12,16,18].

Ўрта тиббиёт ходимларидан бири ҳамширалар томонидан кўрсатиладиган хизматлар аҳолининг арзон ва сифатли тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжини қондириш учун қимматли ресурс сифатида қаралиши исботланган.

Ўрта тиббиёт ходимларининг, айниқса кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида фаолият юритувчи ҳамшираларнинг муассасалардаги фаолиятини баҳолашда умумий компонентларни, параметрларни, белгилашда муайян қийинчиликлар мавжуд. Қарияларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиладиган муассасаларда (қариялар бўлимлари, қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар уйлари) ҳамширалар бевосита беморлар билан контактда бўлишади, шу билан бирга, тиббий тадбирларни амалга оширишдан ташқари доимий мониторинг ва ғамхўрлик, ижтимоий ва психологик ёрдамни таъминлаш каби хизматларни ҳам амалга оширади. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослашган муассасаларда ҳамширалар ўз фаолияти давомида иш сифат самарадорлигини назоратга олишни талаб этувчи ҳамширалик жараёнининг асосий вазифаси-беморларнинг потенциал эҳтиёжларни аниқлаш ва мавжуд эҳтиёжларини қондириш каби вазифаларни бажаради [1,11,12,16].

Тиббий-ижтимоий ишнинг функциялари кенг қамровли бўлиб, булар:

- аҳолининг ҳаёти, ишини ўрганиш, касалликларнинг кўпайиши билан боғлиқ хавф гуруҳларини аниқлаш, зарур тиббий ёрдам миқдорини аниқлаш;

- ижтимоий ва психологик зўриқишнинг олдини олиш, руҳий бузилишларнинг олдини олиш, депрессив ҳолатларнинг психопрофилактикаси;

- шикастланишларнинг олдини олиш, керак бўлганда жароҳатланганларга биринчи ва шошилинч ёрдам кўрсатиш;

- керак бўлганда, касалларга, қарияларга, болаларга ғамхўрлик қилиш қоидалари ва кўникмаларини ўргатиш.

- инсонпарварликка қарши жараёнларига қаршилик кўрсатиш;

- меҳнат ва бўш вақтни шакллантириш ва ташкил этишга кўмаклашиш

- руҳий саломатликни мустаҳкамлаш ва руҳий маданиятни шакллантириш;

- болалар ва ўсмирлар (девиант хулқ-атворли болаларга катта эътибор қаратиш);

- санитария гигиеник соғлошмаштириш чораларини кўриш ва ҳоказо.

Ўз навбатида, жисмоний ва руҳий касалликларга чалинган мижозлар билан ишловчи ижтимоий муассасалар ходимлари тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади [3,10,15,16].

Буюк Британиядаги қариялар уйларида бирламчи тиббий ёрдам умумий амалиёт шифокорлари томонидан ҳамширалар ва жамоат саломатлиги бўйича мутахассислар кўмагида амалга оширилади. Ҳозирги кўрсатилаётган тиббий ёрдам механизмлари сифати қариялар уйи яшовчиларининг эҳтиёжини қондира олмаслиги мумкин. Соғлиқни Сақлаш хизмати томонидан Буюк Британияда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилишининг изчиллиги ва исботини таъминлаш учун ишлатиладиган сифат кўрсаткичлари системаси аҳолининг эҳтиёжларини инobatга олмайди. Шу билан бирга, қариялар уйлари тартибга солувчи хизмат кўрсатиш сифати бўйича комиссия, биринчи навбатда ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифатига эътибор беради [12,13].

Ушбу тадқиқотнинг асосий аҳамияти шундаки, у тиббиёт ходимларининг ҳам ижтимоий хизматчиларнинг ҳам хизмат кўрсатиш перспективаси ва тиббий ёрдам билан ижтимоий хизмат кўрсатиш гуруҳларини бирлаштирган ҳолда ўрганади. Бу эса қариялар уйида хизмат кўрсатишнинг мувозанатли ҳисобини таъминлашга имкон беради [1].

Кўпчилик тадқиқотларда бир қатор чекловлар кузатилган. Хусусан беморларнинг ва уларнинг оила аъзолари фикрлари ҳисобга олинмаган. Гарчи бу гуруҳлар соғлиқни сақлашнинг амалий жиҳатлари тўғрисида тушунчаларга эга бўлиши, тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатувчилар билан олувчилар орасида боғловчи бўлишига қарамасдан, тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг потенциал фойдали перспективаси ўрганилмай қолган [1,12,16].

Умуман олганда қариялар уйлари яшовчиларига самарали тиббий ёрдам кўрсатиш муаммосининг аксарияти, уларнинг ўзлари келтириб чиқарадиган тиббий муаммоларнинг мураккаблиги билан

боғлиқ. Уларнинг соғлиғини сақлаш эҳтиёжларини қондириш учун соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш ходимларининг парвариш моделлари ҳақида махсус таёргарликлари бўлиши самарали натижа беради. Шу билан бирга ҳамширалар фаолиятида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг айрим жиҳатлари учун жавобгарликнинг аниқ чегараларини белгилаш зарур [1,13].

Қариялар уйлари яшовчиларига тиббий ёрдам кўрсатиш жудаям мураккаб, чунки уларни эҳтиёжларини олдиндан айтиб бўлмайди. Англия ва Уелсда 423000 га яқин ўрин қариялар учун хусусий ва ихтиёрий секторлар томонидан таъминланган. 91 фойизи 70 ёшдан ошганлар, 78% зи ҳеч бўлмаганда битта руҳий касалликка чалинган, 76%зи ҳаракат қилиш учун ёрдамга муҳтож ёки ҳаракатсиз шахслардир [11,16].

Уларнинг ахлоқий эҳтиёжларини қондиришга умумий амалиёт шифокорларининг ҳам, қариялар уйи ходимларининг ҳам вақтлари йўқ, кўпчилигига керакли амалий кўникмалар ҳам етишмайди. Умунан олганда реактив ёрдамдан кўра, проактив ёрдам афзолроқдир. Даволашда кутилган натижага эришиш учун терапевтлар ва ижтимоий хизмат кўрсатиш ходимларининг ўзаро муносабатлари ва умумий мақсадлари белгилаб олиниб иш ташкил этилишига боғлиқ [13].

Хулоса

1. Маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили интернат уйларида ҳамширалик ишини ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш долзарб эканлигини кўрсатди. Айниқса тиббий-ижтимоий муассасалардаги фаолият юритаётган ҳамшираларнинг лавозим йўриқномалари эскирганлиги, талаб этилаётган топшириқларнинг ижросини таъминлашда замон талабига мос мутахассис ёрдамни кўрсатишда ҳамшираларнинг имкониятларини чеклаб қўяётганлиги аниқланди.

2. Бу эса ўз навбатида муҳтож шахсларининг барча эҳтиёжларини аниқлаш ва қондириш доирасидаги амалга оширилиши талаб этиладиган вазифаларнинг бажарилмаслиги, тиббий-ижтимоий хизмат сифатига салбий таъсир кўрсатиши каби жиддий оқибатларга олиб келади ҳамда муассасаларда ходимлар ўртасидаги вазифалар тақсимоотида асосли қийинчиликлар юзага келишига сабаб бўлади.

3. Шундай қилиб, тиббий-ижтимоий соҳадаги ютуқлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаши учун мазкур йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш ва зарур илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишни талаб этади.

4. Ўз навбатида, жисмоний ва руҳий касалликларга чалинган мижозлар билан ишловчи ижтимоий муассасалар ходимлари тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари зарур бўлади.

5. Ҳамшираларнинг вазифалари ва мажбуриятларини аниқ белгилашни, барча даражадаги ходимлар бир-бирининг ролини тушуниши ва мувофиқлаштириб бориши, режалаштириши ва уларга ғамхўрлик қилиш учун биргаликда ишлашни бел-

гилаш тавсия этилади. Ҳамкорликда ва бир мақсадга қаратилган ходимлар фаолиятни ташкил этиш тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини ташкил этишнинг ажралмас ва муҳим қисми ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Медицинское обслуживание в домах престарелых: специальный обзор оказания медицинской помощи тем, кто находится в домах престарелых. – 2012.

2. Новокрещенова И.Г., Схунакова В.В. Роль сестринского персонала в системе оказания качественной медико-социальной помощи пожилым // Саратовский науч.-мед. журн. – 2012.

3. Новокрещенова И.Г., Схунакова В.В., Семикина Н.А., Новокрещенов И.В. Роль среднего медицинского персонала при оказании медицинской помощи населению пожилого и старческого возраста // Клинический геронтолог. – 2017.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ 4947-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Мурувват” ва “Саховат” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида” ги ПФ-6195-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматлари ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-5038-сон қарори.

6. Филаткина Н.В. Особенности деятельности медицинских сестер в комплексной реабилитации инвалидов // Вестн. Всерос. общ-ва специалистов по мед.-соц. экспертизе, реабилитации и реабилитационной индустрии. – 2015. – №1. – С. 19-22.

7. Филаткина Н.В. Роль медицинской сестры в создании комфортных условий пребывания инвалидов в психоневрологическом интернате // Главная мед. сестра. – 2014. – №6. – С. 54-61.

8. Филаткина Н.В. Совершенствование организации сестринской медицинской помощи в условиях психоневрологического интерната: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. – М., 2015.

9. Чунакова В.В. Совершенствование управления качеством сестринской помощи в стационарных учреждениях, оказывающих медико-социальную помощь пожилым: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. – М., 2014.

10. Gordon A.L., Goodman C., Davies S.L. et al. Optimal healthcare delivery to care homes in the UK: a realist evaluation of what supports effective working to improve healthcare outcomes // Brit. Med. J. – 2018.

11. Health and care for the elderly in nursing homes: a holistic, interdisciplinary approach. – L., 2000.

12. Health care and medical services. My Home Life Quality of Life in Nursing Homes // Literature Rev. – 2007. – Vol. 96. – P. 116.

13. Konroy S., Van der Kammen T., Schols J. et al. Health Services for Seniors in Nursing Homes – a comparison of services in England and the Netherlands // J. Nutr. Health Aging. – 2009. – Vol. 13. – P. 559-563.

14. McMillen J.C., Enola K., Megivern D., Woodstock C. Quality of Care in the Social Services: Research Agenda and Methods // Soc. Work Res. – 2005. – Vol. 29, №3. – P. 181-191.

15. Perry M., Carpenter I., Challis D., Hope K. Understanding the roles of registered general nurses and care assistants in UK nursing homes Age Ageing // J. Adv. Nurs. – 2018. – Vol. 47, №4. – P. 595-603.

16. Robbins I., Gordon A., Dayas D. et al. Explaining the Barriers and Tensions in Providing Effective Care in Nursing Homes in the UK: A Qualitative Study // Brit. Med. J. Open. – 2013. – Vol. 19.

17. Shax S.M., Keri I.M., Harris T. и др. Quality of care for older people with chronic illness in nursing homes and the

community in primary health care: a retrospective study // Brit. Med. J. – 2011. – Vol. 342. – P. 912.

18. The State of Nursing in the World 2020: Investing in Education, Jobs and Leadership (State of the world's nursing 2020: investing in education, jobs and leadership) ISBN 978-92-4-000492-4.

TIBBIY-IJTIMOY MUASSASALARDA HAMSHIRALIK XIZMATINI TASHKIL ETISHNING AYRIM MUAMMOLARI

Inakov A.K., Ermatova A.K.

Maqsad: ilmiy tadqiqot natijalarini tahlil qilish asosida maktab-internatlarda hamshiralik xizmatini tashkil etish xususiyatlarini o'rganish. **Material va usullar:** Elsevier ma'lumotlar bazasida indekslangan PubMed, Web of

Science materiallarini tahlil qilish asosida tibbiy-ijtimoiy muassasalarda, xususan, maktab-internatlarda hamshiralik xizmatini tashkil etishning ayrim jihatlari o'rganildi. O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi. **Natijalar:** barcha 115 ta maqola ko'rib chiqildi, ulardan 60 tasi maktab-internatlarda tibbiy-ijtimoiy xizmat ko'rsatish holatiga, 55 tasi internatlarda hamshiralik xizmatini tashkil etishga oid. **Xulosa:** keksalar va nogironlarning turmush tarzi va sifatini sezilarli darajada yaxshilash uchun zarur ilmiy asoslangan tavsiyalarni ishlab chiqish zarur.

Kalit so'zlar: hamshiralik, tibbiy-ijtimoiy muassasa, pansionatlar, pansionatlar, tibbiy-ijtimoiy xizmatlar.



ОХРАНА ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ УЗБЕКИСТАНА ОТ ЗАГРЯЗНЕНИЯ ХОЗЯЙСТВЕННО-БЫТОВЫМИ СТОКАМИ

Искандарова Ш.Т., Джалилова Г.А., Расулова Н.Ф.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АТРОФ МУҲИТИНИ МУҲОФАЗАСИДА МАИШИЙ – ХЎЖАЛИК ЧИҚИНДИЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Искандарова Ш.Т., Джалилова Г.А., Расулова Н.Ф.

PROTECTION OF THE ENVIRONMENT OF UZBEKISTAN FROM CONTAMINATION WITH HOUSEHOLD WASTE

Iskandarova Sh.T., Djalilova G.A., Rasulova N.F.

Ташкентский педиатрический медицинский институт

Мақсад: мақола Ўзбекистонда қувурлар тизимининг жорий ҳолатини ўрганиш ва атроф-муҳитининг оқава сувлар билан ифлосланишидан ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга бағишланган. **Материал ва усуллар:** қувурлар тармоғига қирадиган умумий миқдорнинг атиги 40,2 фоизи тозаланиш жараёнида қатнашади. Бунда қуйидагилар қайд этилган: аҳолининг канализация тизимлари билан кам қамраб олинishi, оқава сувларни тозалаш иншоотларининг қониқарсиз ишлари, сув истеъмолли ва оқава сувларни оқизиш ўртасидаги номутоносибликни олдини олиш чора тадбирлар масалалари қўриб чиқилди. **Натижа-лар:** қувурлар тизимларининг мавжудлиги умуман республика бўйича шаҳарларда 66.4 фоизни, шаҳар типдаги посёлкаларда 4.9 фоизни ва қишлоқ аҳоли пунктларида 0.5 фоизни ташкил этади. **Хулоса:** қувурлар тизимларининг самарадорлиги бутун мамлакат бўйича ва минтақалар нуқтаи назаридан қониқарли эмас.

Калит сўзлар: атроф-муҳит, муҳофаза қилиш, қувурлар тизими, аҳолини қувурлар билан таъминлаш, аҳоли турар жойлари, маиший оқава сувлар, маиший оқава сувларни тозалаш.

Objective: Ecological and hygienic assessment of the efficiency of sewerage systems in Uzbekistan and the development of recommendations for the protection of the environment from pollution by wastewater. **Material and methods:** The study was conducted in 2015-2019. in order to study materials on the sanitary and technical efficiency of sewer systems, carried out by the Ministry of Housing and Utilities of the Republic of Uzbekistan, as well as the territorial sanitary and epidemiological control of the Ministry of Health. **Results:** Analysis of materials for wastewater disposal from the sewerage system shows that only in the city of Tashkent wastewater is completely discharged, in other regions of the country, especially in rural areas, this process is unsatisfactory. The minimum level of wastewater discharge for the cities of Surkhandarya region is 40.6%. In the Republic of Karakalpakstan, wastewater flow is 93.5%. **Conclusions:** In the republic there is a low level of coverage of the population with sewerage systems, poor performance of treatment facilities, inadequacy of water consumption and wastewater disposal.

Key words: sewerage system, waste water, pollution, environmental protection in Uzbekistan and development of recommendations for the protection of the environment from pollution.

Бытовые сточные воды являются источником экологически значимого загрязнения воды в стране. Обычно они составляют 30% сточных вод, сбрасываемых в водные объекты [4].

Эффективность очистки сточных вод в настоящее время оценивается по общему количеству бактерий: 10-12% для песколовков, 25-75% для холмов, 80-95% для биологических фильтров, 90-98% для аэротенков, хлорированных до 99%. Неэффективность очистных сооружений в Узбекистане обычно связана с техническими сбоями при строительстве или нарушением правил их эксплуатации. В таких случаях абсолютные значения многих биологических загрязнителей после очистки остаются выше установленных для них допустимых концентраций [2]. При некачественной дезинфекции бытовые сточные воды характеризуются высокой микробиологической загрязненностью: при индексе 105-107 в сточных водах обнаруживаются патогенные энтеробактерии и энтеровирусы. По состоянию на 2 января 2017 г. уровень канализации сельского населения составил 5,1%, т.е. 94,9% сельского населе-

ния использует водоемы для бытовых сточных вод (душ, кухня, прачечная и канализация). Сточные воды загрязняют поверхностные и грунтовые воды, являющиеся источником питьевого водоснабжения, содержат органические, минеральные вещества, тяжелые металлы, патогенную микрофлору кишечника. Загрязнение окружающей среды окружающими сточными водами приводит к развитию онкологических и инфекционных заболеваний, интенсивность которых в сельской местности намного выше, чем в городах.

Цель исследования

Эколого-гигиеническая оценка эффективности систем канализации в Узбекистане и разработка рекомендаций по защите окружающей среды от загрязнения сточными водами.

Материал и методы

Исследование проводилось в 2015-2019 гг. с целью изучения материалов по санитарно-технической эффективности канализационных систем, проведенного Министерством ЖКХ Республики Узбекистан, а также территориальным санитар-

но-эпидемиологическим контролем Министерства здравоохранения. Оценка работоспособности систем канализации проводилась согласно СанПиП 2.04.03-97 «Канализация, наружные сети и сооружения»; СанПиН 0129-02 «Гигиенические требования к системам канализации в Узбекистане».

Результаты исследований

По состоянию на 02.01.2019 г. в Республике Узбекистан насчитывалось 12216 населенных пунктов, в том числе 119 городских, 1085 поселков городского типа (городские поселки) и 11012 сельских поселений. Канализацию имеют 79 из 119 городов, 53 из 1085 поселков городского типа 51 из 1112 сельских поселений. Доступность систем канализации в целом составляет 66,4% в городах, 4,9% в поселках городского типа и 0,5% в сельской местности. В целом централизованной канализацией пользуются 17% населения. Население канализационных зон составляет 8335 тыс. человек. Из них к канализации подключено 3990 тыс. человек, что составляет 47,9% [5].

Установлено, что только 132 из 1204 городов и поселков городского типа в стране обеспечены канализацией. В лучшем состоянии Ташкентская, Сырдарьинская, Наманганская и Ферганская области. В Ташкентской области централизованной кана-

лизацией обеспечено 29 городов и поселков городского типа (113). В Сырдарьинской области канализацией обеспечены 13 из 30, в Наманганской области – 12 из 128, в Ферганской области – 206 из 11. В наихудшем положении находится Хорезмская область, где канализацию имеют только 4 из 61 города и поселка городского типа. Аналогичная ситуация наблюдается в Сурхандарьинской области, где канализацией обеспечено только 4 из 122 городов и поселков городского типа. Город Ташкент, города Ташкентской области, Наманганская, Сырдарьинская и Хорезмская области полностью покрыты канализацией. В худшем положении Каракалпакстан – 25% сточных вод, Андижанская и Самаркандская – 45,5%, Навоийская область – 50% [1].

В тяжелом положении находятся сельские поселения. Так, уровень охвата сельских населенных пунктов канализацией по стране составляет всего 0,5%, в том числе 4,6% – в Джизакской области, 2,5% – в Ташкентской области, 0,4% – в Хорезмской и Кашкадарьинской областях. В Сурхандарьинской, Наманганской, Андижанской, Сырдарьинской, Бухарской, Самаркандской и Ферганской областях, городе Навои в Республике Каракалпакстан канализационные системы отсутствуют. В 2017 г. обнаружено 904,5 млн м³ канализации, из них городских 897, сельских 6,8 (табл.).

Таблица

Эксплуатация систем канализации в Узбекистане, млн м³ в год

Регион	Канализация			Население			%	
	всего	город	село	всего	город	село	город	село
Всего по Республике	96,5	89,7	6,8	391,1	388,9	2,2	43,3	31,6
Каракалпакстан	6	6	-	2,2	2,2	-	36,6	-
Андижан	15,2	15,2	-	0,1	0,1	-	0,5	-
Бухара	13,3	13,3	-	8,8	8,8	-	66,8	-
Джизак	4,4	4,4	-	2,8	2,8	-	63	-
Кашкадарья	7,3	7,1	0,1	6,8	6,6	0,1	92,9	100
Навои	44,4	44,4	-	16,6	16,6	-	37,4	-
Наманган	23,1	23,1	-	9,3	9,3	-	40,2	-
Самарканд	29,6	29,6	-	18,6	18,6	-	62,8	-
Сурхандарья	8,7	8,7	-	3,7	3,7	-	42,4	-
Сырдарья	10,1	10,1	-	8,2	8,2	-	80,6	-
Ташкентская обл.	79,1	72,4	6,7	28,6	26,6	2	36,7	30,2
Фергана	95,4	95,4	-	46,3	46,3	-	48,6	-
Хорезм	4,7	4,7	-	2,8	2,7	-	59	67,5
Ташкент	563,2	563,2	-	236,4	236,4	-	42	-

При этом только 391,1 млн м³ будет произведено от систем канализации населения, в том числе 388,9 млн м³ от городов и 2,2 млн м³ от сел. Сточные воды составляют 43,2% городских сточных вод и 31,6% сельских сточных вод. Если говорить о регионах, то канализационные системы в основном используются в городах области, которые полностью покрыты сетью канализации. Средняя пропускная способность канализационных систем составляет 59% по стране, 81% в Ташкенте и 34% в других городах [6].

Анализ полученных данных показывает, что работа систем канализации в стране неудовлетворительна. Объем сточных вод, поступающих в канализационную сеть по стране, составляет 2107,3 млн м³ в год, из которых 1758,8 млн м³ в год приходится на городскую сеть, 348,7 млн м³/год – на сельскую местность. Большая часть сточных вод в регионах поступает в канализацию Ташкента – 811,8 миллиона м³ и в Навоийской области – 219,5 млн м³/год. Подобная динамика между количеством сточных

вод, поступающих в канализационную систему, и объемом очистки на очистных сооружениях наблюдается во всех регионах, городах и особенно в селах страны. Очищается только 40,2% сточных вод, поступающих в канализацию страны.

Анализ материалов для отвода сточных вод из канализационной системы показывает, что только в городе Ташкенте сточные воды сбрасываются полностью, в других регионах страны, особенно в сельской местности этот процесс неудовлетворительный. Минимальный уровень сброса сточных вод для городов Сурхандарьинской области составляет 40,6%. В Республике Каракалпакстан сток сточных вод составляет 93,5%. Процент сброса сточных вод по стране равен 0,24%, в Кашкадарьинской области – 4,0%, в Ташкентской области – 26%. В сельской местности других регионов страны сточные воды не сбрасываются [3].

По результатам исследования разработаны рекомендации для утверждения Минздравом по оценке условий образования и очистки бытовых сточных вод и гигиенических требований к их сбросу в окружающую среду.

Выводы

1. По состоянию на 02.01.2018 г. в Республике Узбекистан насчитывается 12216 населенных пунктов, в том числе 119 городских, 1085 поселков городского типа и 1112 сельских поселений. Централизованными системами канализации обладают 79 из 119 городов, канализацией – 53 из 1085 поселков городского типа и только 51 из 11012 сельских поселений [1].

2. Доступность систем канализации в целом составляет 66,4% в городах, 4,9% – в поселках городского типа и 0,5% – в сельской местности.

3. Экологическая и гигиеническая эффективность канализационных систем в стране и регионах неудовлетворительна. Только 40,2% (846,9 млн м³ в год) от общего количества, поступающего в канализационную сеть (2107,3 млн м³ в год), задействовано в процессе очистки.

4. Приведенные материалы свидетельствуют о низком уровне охвата населения системами канализации, плохой работе очистных сооружений, несоответствии водопотребления и водоотведения.

Литература

1. Айтметова К. Санитарно-бактериологические свой-

ства воды реки Ахангарон // Тезисы научно-практической конференции по актуальным проблемам биосферы. – Ташкент, 2015. – С. 107.

2. Воронов Ю.В. Канализация и очистка сточных вод. – М.: Изд-во Ассоциации строительных вузов, 2006. – 702 с.

3. Ильинский И.И. Гигиена сельского водоснабжения. – Ташкент Медицина, 2016. – 159 с.

4. Палов А.М., Румянцев И.С. Резервы. – М.: Колос, 2005. – 520 с.

5. Файзиева Д.Х., Алимова Ф.Б. Водный фактор и здоровье населения в контексте изменения климата // Сборник трудов Республиканской научно-практической конференции. – Ташкент, 2016. – С. 170-172.

6. Файзиева Д.Х., Усманов И.А. Вопросы разработки планов водной безопасности (ПОВБ) в Узбекистане // Актуальные проблемы гигиены и санитарии в Узбекистане: Сб. тр. Респ. науч.-практ. конф. – Ташкент, 2017. – С. 392-395.

ОХРАНА ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ УЗБЕКИСТАНА ОТ ЗАГРЯЗНЕНИЯ ХОЗЯЙСТВЕННО-БЫТОВЫМИ СТОКАМИ

Искандарова Ш.Т., Джалилова Г.А., Расулова Н.Ф.

Цель: эколого-гигиеническая оценка эффективности систем канализации в Узбекистане и разработка рекомендаций по защите окружающей среды от загрязнения сточными водами. **Материал и методы:** исследование проводилось в 2015-2019 гг. с целью изучения материалов по санитарно-технической эффективности канализационных систем, проведенного Министерством ЖКХ Республики Узбекистан, а также территориальным санитарно-эпидемиологическим контролем Министерства здравоохранения. **Результаты:** анализ материалов для отвода сточных вод из канализационной системы показывает, что только в городе Ташкенте сточные воды сбрасываются полностью, в других регионах страны, особенно в сельской местности этот процесс неудовлетворительный. Минимальный уровень сброса сточных вод для городов Сурхандарьинской области составляет 40,6%. В Республике Каракалпакстан сток сточных вод составляет 93,5%. **Выводы:** в республике низкий уровень охвата населения системами канализации, плохая работа очистных сооружений, несоответствие водопотребления и водоотведения.

Ключевые слова: система канализации, сточные воды, загрязнение, защита окружающей среды в Узбекистане и разработка рекомендаций по защите окружающей среды от загрязнения.



ЗЎРАВОНЛИК ВА ОДАМ САВДОСИ БЎЙИЧА БИТИРУВЧИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА МАҲАЛЛАЛАРДАГИ АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Маматқулов Б., Мўминова Т.У.

ПОВЫШЕНИЕ ПРАВОВОЙ ГРАМОТНОСТИ ВЫПУСКНИКОВ СРЕДНИХ ШКОЛ И ЧЛЕНОВ СООБЩЕСТВА ПО ВОПРОСАМ НАСИЛИЯ И ТОРГОВЛИ ЛЮДЬМИ

Маматкулов Б., Муминова Т.У.

IMPROVING THE LEGAL LITERACY OF HIGH SCHOOL GRADUATES AND COMMUNITY MEMBERS ON VIOLENCE AND HUMAN TRAFFICKING

Mamatkulov B., Muminova T.U.

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: разработка принципов медико-психологической реабилитации жертв насилия и торговли людьми. **Материал и методы:** в опросе на добровольной основе приняли участие 82 пострадавших, ставших предметом торговли или жертвой домашнего насилия в Хорезмской области. Анкетный опрос определял степень удовлетворенности потерпевших оказанной им медицинской помощью. **Результаты:** опрос потерпевших показал, что относительно большую долю их (55%) составляли женщины. 88% жертв были в возрасте от 18 до 30 лет. Большинство из них не знают своих прав (нет – 35%, я не знаю – 50%). Для повышения социальной защиты населения и правовой осведомленности среди них важно проводить разъяснительную работу и организовывать семинары в общине. **Выводы:** оказание медицинской и психологической помощи пострадавшим должно быть комплексным и профессиональным. Требуется тесное сотрудничество со специалистами-медиками и психологами, имеющими специальную подготовку для работы с пострадавшими от тяжелого стресса.

Ключевые слова: насилие, торговля людьми, жертва, реабилитация, адаптация.

Objective: Development of principles of medical and psychological rehabilitation of victims of violence and human trafficking. **Material and methods:** 82 victims of trafficking or domestic violence in the Khorezm region took part in the survey on a voluntary basis. The questionnaire survey determined the degree of satisfaction of the victims with the medical care provided to them. **Results:** A survey of victims showed that a relatively large proportion of them (55%) were women. 88% of the victims were between the ages of 18 and 30. Most of them do not know their rights (no – 35%, I don't know – 50%). To increase social protection of the population and legal awareness among them, it is important to conduct outreach and organize seminars in the community. **Conclusions:** The provision of medical and psychological assistance to victims should be comprehensive and professional. It requires close collaboration with medical professionals and psychologists who are specially trained to work with those affected by severe stress.

Key words: Violence, human trafficking, victim, rehabilitation, adaptation.

Бугунги кунда зўравонлик ва одам савдоси кўрбонларини қайта мослашиш муаммосининг долзарблиги шубҳаларни келтириб чиқармайди, аммо бугунги кунгача суд-тергов ишлари давомида ҳам жабрланганларни тиббий ва психологик қўллаб-қувватлаш бўйича ягона дастур ва ёндашувлар мавжуд эмас [2,9].

Жаҳон миқёсида, аёлларнинг барча қотилликларининг 38 фоизгача уларнинг яқин шериклари содир этади. Шахсий шерикларнинг зўравонлигидан ташқари, аёлларнинг 6% шериклар томонидан жинсий тажовузга учрашади, гарчи бегоналар томонидан жинсий зўравонлик тўғрисидаги маълумотлар чекланган. Ҳамкорлик ва жинсий зўравонлик кўпинча эркаклар томонидан аёлларга нисбатан содир этилади [4,5].

Аёлларга нисбатан зўравонлик, айниқса, яқин шериклар томонидан ва аёлларга нисбатан жинсий зўравонлик жиддий соғлиқни сақлаш муаммоси ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эълон қилинган ҳисоб-китобларга кўра, дунёда ҳар 3/1 аёл (30%) жисмоний яқин шерик томонидан жинсий зўравонлик ёки бошқа шахс томонидан жинсий зўравонлик содир этиляпти [1,6,10].

Кўпгина ҳолларда, бу яқин шерикларнинг зўравонлиги Жаҳон миқёсида, 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган аёлларнинг деярли 3/1 қисми (27%) ўз ҳаёти давомида яқин шеригидан жисмоний ёки жинсий зўравонликни бошдан кечирганлиги ҳақида ҳабар беришади, бу жисмоний, ақлий, жинсий ва репродуктив саломатликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш мумкин ва бундай ҳолатда Соғлиқни сақлаш соҳаси зўравонликни бошдан кечирган аёлларга ҳар томонлама соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатишда ва аёлларни керакли бошқа ёрдам хизматларига йўналтиришнинг бошланғич нуқтаси сифатида муҳим рол ўйнайди [3,7,8].

Мақсад

Зўравонликдан ва одам савдосидан жабрланувчиларда тиббий-психологик реабилитация қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Материал ва усуллар


Хоразм вилоятидаги одам савдосидан ва маиший зўравонликдан жабрланганларда сўровнома ўтказилди. Ушбу сўровномада ихтиёрий равишда 82 нафар жабрланувчилар қатнашди. Сўровнома орқали жабрланувчиларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамдан жабрланувчилар қай даражада қониқиши ўрганилди.

Натижалар


Сўровнома шуни кўрсатдики, эркек 45% ни, аёллар 55% ни ташкил этди, ёш тоифалари бўйича 18 ёшгача 8%, 18-30 ёшгача 88%, 31-60 ёшгача 4%.

Маълумоти бўйича: умумтаълим мактаб (7%), ўрта махсус маълумотли 89%, олий маълумотли 4%, оилавий ҳолатлари: турмуш қурмаганлар 73%, турмуш қурганлар 23%, ажрашганлар 4%, бевалар 0%. Фарзандларингиз борми деган саволга ҳа 26% ни, йўқ 74% ни. Оиладаги руҳий муҳит: яхши 57%, ёмон 1%, ота-онадан бирининг йўқлиги 21%, ичкиликка ружу қўйганлиги доимий келишмовчиликларнинг мавжудлиги 21%. Нима сабабдан чет-эл дав-

латига чиққансиз деган саволга, ишлаш учун 47%, ўқиш учун 30%, оилавий шароитим учун 16%, иқтисодий етишмовчилик учун 6% деб жавоб берилган. Зўравонлик, одам савдоси бўйича Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган ҳуқуқий норматив ҳужжатларни биласизми деган саволга ҳа 15%, йўқ 35%, билмайман 50% деб жавоб беришган. Чет-эл давлатларида жойлашган Ўзбекистон Республикаси элчихоналари тўғрисида маълумотга эгамисиз деган саволга, ҳа 16%, йўқ 41%, билмайман 43% жавоб берилган. Тиббиёт ходимлари томонидан берилаётган ёрдамдан мамнунмисиз деган саволга ҳа 63%, йўқ 34% бошқа 2% деб жавоб берилган.



1-расм. Сўровнома натижаларга кўра жинс бўйича тақсимланиши



2-расм. Тиббиёт ходимлари томонидан берилаётган ёрдамга жабрланувчиларнинг бўлган муносабати

Хулосалар

Жабрланганлар ўртасида ўтказилган сўровнома шуни кўрсатдики, жабрланганлар орасида нисбатан кўпроқ қисмини (55%) аёллар ташкил этар экан. Жабрланганларнинг 88% ни 18 дан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этган. Улардан кўпчилиги ўз ҳуқуқларини (йўқ - 35%, билмайман 50%) билмайди. Шу са-

бабдан аҳоли ўртасида ижтимоий ҳимояни ошириш ва улар ўртасида ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун тушунтириш ишларни олиб бориш, маҳалларда семинарлар ташкил этиш аҳамиятга эгадир.

Жабрланганларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш ҳар томонлама ва профессионал бўлиши керак. Кучли стрессдан жабрланганлар билан

ишлаш бўйича маҳсус тайёргарликка эга тиббий ва психологик мутахассисларнинг яқин ҳамкорлиги талаб этилади.

Адабиётлар

1. Волкова Е.И. // Проблемы насилия над детьми и пути их преодоления, Питер, 2008, с. 240.
2. Воронова И.Ю. // Медико-психологические последствия сексуального насилия у детей и его профилактика, Автореферат, Москва-2004, с. 41.
3. Захарова Н.М., Милехина А.В. // Основные принципы оказания медико-психологической помощи жертвам насилия Российский психиатрический журнал. 2016 №6.
4. Ищенко М.В // Социальные практики преодотвращения домашнего насилия над женщинами, Автореферат, Саратов-2005, с.42.
5. Качаева М.А., Дозорцева Е.Г., Нуцкова Е.В. // Клинико-психологические проблемы внутри-семейного насилия в отношении женщин и девочек //Российский психиатрический журнал. 2016. №6. С.25-32.
6. Нуцкова Е.В. // Структура психологических последствий сексуального насилия и злоупотребления в отношении детей и подростков" [Электронный ресурс] // Психология и право. 2016. Т.6, №3. С.104-121
7. Писклакова.М.П. // Насилие в семье: система профилактики, преодоления и регулирования (социологический анализ), Автореферат Москва-2014, с. 38.
8. Пономарева И.М. // Психологическая помощь пострадавшим от насилия Санкт-Петер. 2015 г.
9. Сикорская Л.Е. //Психолого-педагогическая помощь женщинам и детям, пострадавшим от насилия в семье. Учебно-методическое пособие Москва, 2016. 82 с.
10. Устинов В.П // Психологические последствия насилия и их влияние на обучаемость младших школьников, Автореферат, Иркутск-2005, с 39

ЗЎРАВОНЛИК ВА ОДАМ САВДОСИ БЎЙИЧА БИТИРУВЧИ МАКТАБ ЎЎУВЧИЛАРИ ВА МАҲАЛЛАЛАРДАГИ АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДҲОНЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Маматқулов Б., Мўминова Т.У.

Мақсад: зўравонликдан ва одам савдосидан жабрланувчиларда тиббий-психологик реабилитация қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш. **Материал ва усуллар:** Хоразм вилоятидаги одам савдосидан ва маиший зўравонликдан жабрланганларда сўровнома ўтказилди. Ушбу сўровномада ихтиёрий равишда 82 нафар жабрланувчилар қатнашди. Анкета сўровномаси орқали жабрланувчиларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамдан жабрланувчилар қай даражада қониқиши ўрганилди. **Натижалар:** жабрланганлар орасида нисбатан кўпроқ қисмини (55%) аёллар ташкил этади. Жабрланганларнинг 88 % ни 18 дан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этган. Улардан кўпчилиги ўз ҳуқуқларини (йўқ - 35%, билмайман 50%) билмайди. Шу сабабдан аҳоли ўртасида ижтимоий ҳимояни ошириш ва улар ўртасида ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун тушунтириш ишларни олиб бориш, маҳаллаларда семинарлар ташкил этиш аҳамиятга эгадир. **Ҳулоса:** жабрланганларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш ҳар томонлама ва профессионал бўлиши керак. Кучли стрессдан жабрланганлар билан ишлаш бўйича маҳсус тайёргарликка эга тиббий ва психологик мутахассисларнинг яқин ҳамкорлиги талаб этилади.

Калит сўзлар: зўравонлик, одам савдоси, жабрланувчи, реабилитация, мослашиш.



ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАЛАРИНИ ИШ СИФАТИНИ ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ

Маматқулов Б.М., Уразалиева И.Р., Бердалиева. У.А.

ЭКСПЕРТНАЯ ОЦЕНКА КАЧЕСТВА РАБОТЫ ПАТРОНАЖНЫХ МЕДСЕСТЕР

Маматқулов Б.М., Уразалиева И.Р., Бердалиева У.А.

EXPERT ASSESSMENT OF THE QUALITY OF WORK OF PATRONAGE NURSES

Mamatkulov B.M., Urazalieva I.R., Berdalieva U.A.

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: анализ качества и эффективности труда патронажных медицинских сестер семейных поликлиник. **Материал и методы:** применен многоступенчатый метод формирования случайной выборочной совокупности (кластерный и стратифицированный метод отбора). Объектом исследования явились 340 патронажных медицинских сестер, 126 врачей общей практики, 126 заведующих отделениями и главных врачей семейных поликлиник. Для оценки квалификации, рациональности использования труда, качества оказываемой медицинской помощи патронажными медицинскими сестрами и степени их подготовленности, а также уровня удовлетворенности от их работы самих поставщиков и пациентов, использован социологический метод опроса-интервью. **Результаты:** на основании мнения экспертов была дана характеристика качества и эффективности труда медицинских сестер и разработаны рекомендации по совершенствованию сестринской помощи населению в условиях амбулаторно-поликлинических учреждений. **Выводы:** основными причинами выявленных недостатков является неудовлетворенность материально-техническим обеспечением, перегруженность работой, отсутствие материального стимулирования.

Ключевые слова: семейные поликлиники, здравоохранение, население, участковые медсестры.

Objective: Analysis of the quality and efficiency of work of patronage nurses of family polyclinics. **Material and methods:** A multistage method of forming a random sample population (cluster and stratified selection method) was applied. The object of the study was 340 visiting nurses, 126 general practitioners, 126 heads of departments and chief doctors of family polyclinics. To assess the qualifications, rationality of the use of labor, the quality of medical care provided by patronage nurses and the degree of their preparedness, as well as the level of satisfaction from their work for the suppliers and patients themselves, a sociological survey-interview method was used. **Results:** Based on the opinion of experts, a characteristic was given of the quality and efficiency of the work of nurses and recommendations were developed for improving the nursing care of the population in the conditions of outpatient clinics. **Conclusions:** The main reasons for the identified shortcomings are dissatisfaction with material and technical support, work overload, lack of material incentives.

Key words: family clinics, health care, population, district nurses.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида ходимларнинг энг кўп қисмини ўрта тиббиёт ходимлари ташкил этмоқда. Уларнинг меҳнати кўп сонли бўлганлиги учун эмас, балки мижозларга кенг қўламли хавфсиз, самарали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишлиги билан соғлиқни сақлаш соҳасида катта аҳамиятга эга. Ҳамширалик ишида етарлича компетент, маҳоратга, юқори малакали мутахассисларга эга бўлмай туриб, тиббий-профилактик ёрдамнинг сифати ва оммабоплигини таъминлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, жумладан тиббий-ижтимоий патронаж тизимини яхшилашга қаратилган кенг қамровли дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади

Эксперт баҳолаш усули бўйича оилавий поликлиникаларнинг патронаж ҳамшираларининг (ПХ) иш сифати ва самарадорлигини яхшилаш.

Материал ва усуллар

Патронаж тиббиёт ҳамширалар фаолиятини ўрганиш учун тасодифий танлаб олинган мажмуани шакллантиришнинг кўп поғонали (кластер ва стра-

та) усуллари қўлланилди. Оилавий поликлиникалардан 240та патронаж тиббиёт ҳамширалари ва 86 та ОШ ва бўлим бошлиқлари тасодифий танлаб олинди.

Патронаж тиббиёт ҳамширалари ишининг ташкил этилганлиги, эксперт усулида ўрганиш ва баҳолаш учун иш тажрибаси 10 йилдан кам бўлмаган оилавий поликлиникаларнинг олий тоифали оилавий шифокорлари ва бўлим бошлиқлари, бош врачлари (жами 86 киши) жалб қилинди. Суҳбат даврида олинган маълумотларни таҳлил қилиш даврида «Оилавий поликлиникалар тиббиёт ҳамширалар ишининг сифат ва самарадорлигини эксперт баҳолаш» картасига экспертлар томонидан тўлдирилди. Қўйилган талабларни тўғри бажарилишини оилавий поликлиника бош врачлари ва муаллиф томонидан мунтазам равишда назорат қилиб борилди.

Натижалар

Патронаж тиббиёт ҳамширалар фаолияти: ишининг сифат, самарадорлигини эксперт баҳолашдан олинган маълумотлар ҳамда кўрсатилаётган патронаж хизматидан аҳолининг қониқиши ҳақидаги тадқиқот натижалари келтирилган.

Патронаж тиббиёт ҳамширалар ишининг самарадорлиги уларнинг иш жойини рационал ташкил этиш, тиббий ҳужжатларни юритиш, ҳамширалик

ёрдами стандартларига риоя қилиш, врач кўрсатмаларини бажариш, диспансер кўрикларига қатнашиш, тиббий-ижтимоий патронажни ўтказиш билан боғлиқлиги аниқланди.

44,8% патронаж тиббиёт ҳамшираларининг иш жойи нораціонал ташкил этилганлиги, 51,1% ҳолларда тиббий ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли юритилмаганлиги, 24,5% ҳолатларда шифокор кўрсатмалари ўз вақтида ва 9,9% ҳолларда сифатсиз бажарилганлиги, 20,2% ҳолатларда хизмат кўрсатиш маданияти даражасининг пастлиги, 25,5% ҳолларда тиббий-ижтимоий патронажнинг сифатсиз ўтказиш аниқланди.

Патронаж тиббиёт ҳамширалар ишининг муҳим бўлимларидан бири, улар хизмат кўрсатадиган ҳудуддаги аҳолини диспансер кўригидан ўтказишда қатнашиш ҳисобланади. 60,6±1,9% патронаж тиббиёт ҳамширалар профилактик кўрув ва диспансеризацияларда фаол қатнашганини, бу ишда 9,5±1,1% ҳолатда эса умуман қатнашмаганини, 33,7±1,8% ҳолларда патронаж ҳамшираларда профилактик ишлар олиб бориш режаси йўқлигини экспертлар кўрсатиб берди. Экспертлар фикрича бундай ҳолатнинг асосий сабалари: патронаж тиббиёт ҳамшираларининг иш юктамаларининг кўплиги, моддий рағбатланти-

ришнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, ўз вазифаларига лоқайд қарашлари ва бошқалар сабаб бўлган.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ) муассасаларида ишлайдиган патронаж тиббиёт ҳамшираларнинг фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга, бу аҳоли орасида санитар-гигиеник оқартирувларни олиб бориш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шакллантириш бўйича тадбирлар ўтказишни ўз ичига олади. Аммо, экспертиза натижалари бўйича, патронаж тиббиёт ҳамшираларнинг ярмидан кўпроғи (51,6±1,8%) ўзига бириктирилган аҳоли орасида санитар-оқартув ишларини сифатли олиб борган ҳолда, уларнинг 16,2±1,4% ушбу тадбирларни ўтказишда қатнашмаслиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).

52,3±3,2% ҳолатда ОШлари патронаж тиббиёт ҳамширалар иш сифатини яхши ва қониқарли деб, 47,7±3,3% ҳолатда эса қониқарсиз деб баҳолашди. Шифокорларнинг таъкидлашича уларнинг асосий сабалари: ташкилий-услубий ишларнинг яхши ташкил этилганмаганлиги (52,3±3,2%), моддий-техникавий таъминотининг қониқарсизлиги (36,5±3,2%), норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан етарли даражада таъминланмаганлигидадир (11,2±2,0%).

1-жадвал

Оилавий поликлиника патронаж тиббиёт ҳамшираларининг иш сифати (экспертлар баҳоси)

№	Меҳнат элементлари	P±m
1	Тиббиёт ҳамширасининг иш жойини ташкил этиш:	
	рационал	55,2±1,9
	норационал	44,8±1,9
2	Тиббий ҳужжатларнинг юритилиши:	
	ўз вақтида	48,9±1,8
	вақтида юритилмаслиги	51,1±1,9
	сифатли	52,8±1,9
	сифатсиз	47,2±1,8
3	Врач кўрсатмаларини бажариш:	
	ўз вақтида	75,5±1,7
	вақтида бажармаслик	24,5±1,7
	сифатли	90,1±1,1
	сифатсиз	9,9±1,1
4	Ҳамширалик ёрдами стандартларини (технологиялар) бажариш:	
	тўлиқ ҳажмда	38,7±1,8
	тўлиқ эмас	61,2±2,0
5	Хизмат кўрсатиш маданиятининг даражаси:	
	юқори	36,4±1,8
	ўрта	43,4±1,9
	паст	20,2±1,6
6	Тиббий-ижтимоий патронаж ўтказишни сифати ва мунтазамлиги:	
	мунтазам	78,4±1,6
	мунтазам эмас	21,6±1,6
	сифатли	74,5±1,7
	сифатсиз	25,5±1,7

7	Диспансеризацияда қатнашиш:	
	фаол	60,6±1,9
	пассив	29,8±1,8
8	Санитар-оқартув ишларининг сифати:	
	сифатли	51,6±1,8
	сифатсиз	32,2±1,6
9	Малака ошириш мунтазамлиги:	
	мунтазам	72,3±1,7
	мунтазам эмас	27,7±1,7

Хулосалар

Ушбу камчиликларнинг асосий сабаблари моддий-техник таъминотдан қониқмаслик, ишнинг ҳаддан ташқари кўплиги, моддий рағбатлантиришнинг етишмаслиги.

Амалий тавсиялар

Патронаж тиббиёт ҳамшираларининг иш сифатини яхшилаш учун тиббиёт коллежлари ва малака ошириш курсларида соғлиқни сақлашнинг меърий-ҳуқуқий асослари, коммуникация ва шахслараро муносабатлар, ҳамширалик жараёни, ҳамширалик парваришини ташкил қилиш, тиббий ҳужжатларни юритиш, бўйича амалий машғулотларни ўтказишга катта аҳамият бериш зарурлигини қайд этишди. Соғлиқни сақлаш тизими ва ҳамширалар уюшмаси билан ҳамкорликда иш фаолиятига ўзгартиришлар киритиш керак. Ҳамширалар малакасини ошириш филиаллари билан биргаликда ишлаш, тренинглар ва конференциялар ташкил этиш лозим. Оилавий поликлиникаларни профилактик режа асосида ишларини назорат қилишни йўлга қўйиш керак.

Адабиётлар

1. Асадов Д.А., Мирварисова Л.Т., Арипов Т.Ю., Юсупалиев Б.К. Руководство для проведения аккредитации сельского врачебного пункта (СВП) // Ташкент, 2012.
2. Бершадская М.Б. Делопроизводство и документооборот в деятельности медсестры-руководителя // Главная медицинская сестра: журнал для руководителя среднего медперсонала. - 2016. - № 1. - С. 21-31.
3. Гаджиев Р.С., Садриддинова Н.О. Качество эффективность труда медицинских сестер городских поликлиник // Пробл. Соц.гигиены, здравоохранения и истории медицины. - М, 2005. №1-С49-51.

4. Community Health Nursing. Report of a WHO Expert Committee. Technical Report Series 558. Geneva: WHO, 2014.

5. Ghorob A, Bodenheimer T. Sharing the care to improve access to primary care // N Engl J Med. -2012. - №366(21). - P.1955-1957.

ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАЛАРИНИ ИШ СИФАТИНИ ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ

Маматқулов Б.М., Уразалиева И.Р., Бердалиева. У.А.

Мақсад: оилавий поликлиникаларнинг патронаж ҳамшираларининг иш сифати ва самарадорлигини яхшилаш. **Материал ва усуллар:** патронаж тиббиёт ҳамширалар фаолиятини ўрганиш учун тасодифий танлаб олинган мажмуани шакллантиришнинг кўп поғонали (кластер ва страта) усуллари қўлланилди. Оилавий поликлиникалардан 240та патронаж тиббиёт ҳамширалари ва 86 та ОШ ва бўлим бошлиқлари тасодифий танлаб олинди. **Натижалар:** мутахассислар фикри асосида ҳамширалар иши сифати ва самарадорлигининг ўзига хос хусусияти берилиб, амбулатория-поликлиника муассасаларида аҳолига ҳамширалик парваришини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. **Хулоса:** патронаж тиббиёт ҳамширалар ишининг самарадорлиги уларнинг иш жойини рационал ташкил этиш, тиббий ҳужжатларни юритиш, ҳамширалик ёрдами стандартларига риоя қилиш, врач кўрсатмаларини бажариш, диспансер кўрикларида қатнашиш, тиббий-ижтимоий патронажни ўтказиш билан боғлиқлиги аниқланди.

Калит сўзлар: оилавий поликлиника, патронаж ҳамшира, соғлиқни сақлаш тизими, аҳоли.

ОСОБЕННОСТИ ПРОФИЛАКТИКИ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ COVID-19

Мухамедова Н.С., Джалилова Г.А., Расулова Н.Ф.

2-TOIFA QANDLI DIABETDA GLOMERULAR VA TUBULAR BUZILISHLARNI TASHXISLASH UCHUN PROGNOZIK TESTLARNI BAHOLASH

Muxamedova N.X., Shukurova U.P., Sobirova M.R.

FEATURES OF THE PREVENTION OF CORONAVIRUS INFECTION COVID-19

Mukhamedova N.S., Jalilova G.A., Rasulova N.F.

Ташкентский педиатрический медицинский институт

Maqsad: diabetik nefropatiyada glomerulyar va tubulyar buzilishlarning di-agnostik mezonlarining informativligini baholash, tubulointerstitial lezyon belgila-rini aniqlash. **Material va usullar:** TTA ko'p tarmoqli klinikasining en-dokrinologiya bo'limida yotgan 27 nafar 2-toifa qandli diabet bilan buyraklari shikastlanmagan (1-guruh) va 34 nafar diabetik nefropatiya (2-guruh) bemorlar tekshirildi. Nazorat guruhi 22 sog'lom odamdan iborat edi. So'rovda qatnashgan-larning o'rtacha yoshi $46,8 \pm 2,3$ yil (37-63 yosh). **Natijalar:** 2-toifa diabet bilan og'rigan bemorlarda sistatin C tubulyar va glomerulyar mikroalbuminuriyaning differentsial diagnostikasi uchun yanada sezgir testdir. 2-toifa qandli diabet bilan og'rigan bemorlarda nafaqat buyraklarning filtrlash qobiliyati, balki buyrakning shikastlanish belgilari - KIM-1, lipokalin-2 ko'rsatgan reabsorbtsiya va sekretiya jarayoni ham buziladi. **Xulosa:** siydik sinovlarini klinik amaliyotga joriy etish surunkali buyrak kasalliklarini tashxislash va nefroprotektiv terapiya samara-dorligini kuzatish imkoniyatlarini sezilarli darajada kengaytiradi.

Kalit so'zlar: 2-toifa qandli diabet, diabetik nefropatiya, siydik sinovlari, sistatin S.

